

- \* "УМИД" НИНГ СЕРТАШВИШ КҮNLARI БОШЛАНДИ
- \* ДОМЛАЛАРИНИ ҚҮРҚИТГАН ЎТКИР ҲОШИМОВ
- \* РЕЙТИНГ ТАЛАБАЛАРГА НИМА ҮЧУН ЁҚМАЙДИ?
- \* ОШИҚ ЙИГИТЛАРГА: СЕВГИ ИЗҲОР ЭТИШНИНГ ОСОН ЙЎЛИ



Элим деб, юртим деб,



ёниб яшаш керак

# ТУРКИСТОН

1925 йилдан чиқа  
бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 29 январь Шанба.  
№ 9 (14291)

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ**  
**Тошкент Давлат университетига  
“Ўзбекистон Миллый  
университети” мақомини  
бериш тўғрисида**

Ватан ва миллат тараққиети йўлида фидойиллик курсатган жадид зиёлиларимизнинг буок хизматларини эътироф этиш, тарихий ҳакиқатни тиклаш, ёшлар қалбида истиқтол оғояларига садоқат туйгуларини тарбиялаш, умуминсоний ва миллий илм-фан қадрияларини авлодлар онгига теран сингдириш, Тошкент Давлат университетининг азалий юксак мавқеини ўз жойига кўйиш, Қадрлар тайёрлаш миллий дастурда белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Тошкент Давлат университети, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси, Маърифатпарварлар ва Тарихчilar жамиятлари, Мустамлакачилик даври курбонлари хотирасини абавдийлаштириш бўйича жамоатчилик комиссияси ва бошқа бир қанча жамоат ташкилотларининг тарихий ҳужжатларга асосланган хулоса ҳамда таълифларини инобатга олиб, Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетининг асосчилари жадид зиёлилари, унинг ташкил этилган санаси эса 1918 йил 12 май деб белгилансин.

2. Тошкент Давлат университетининг нафақат республика-мизда, балки минтақамизда ҳам биринчи замонавий олий таълим муассасаси эканини, олимлар ва ўқитувчilar жамоасининг фан ва таълим соҳасидаги юксак салоҳиятини, Ўрта Осиё давлатларида таълим ва илмий-тадқиқот тизимини шакллантиришдаги муҳим ўрни ҳамда ҳалқaro нуғузини назарда тутган ҳолда унга “Миллый университет” мақоми берилсин ва у Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллый университети деб аталсин.

3. Қуидагилар Ўзбекистон Миллый университетининг асосий вазифалари этиб белгилансин: ёшлар қалбида истиқтол оғояларига садоқат, ватанпарварлик ва фидойиллик туйғуларини камол топтириш, улар-

ни мустабид тузум йилларида қатағон қилинган фидойи ватандошларимиз хотирасига хурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, ҳалқимизнинг бекиёс илмий-маданий меросини чукур ўрганиш; жамиятнинг илмий-маданий салоҳиятини юксалтириш, аҳоли ўртасида илмий қадрияларни тарғиб қилиш, ёшларнинг маънавий-маърифий савиясини ошириш; миллий университет таълим тизимини илғор илм-фан ютуқлари асосида такомиллаштириш, мамлакатимиздаги барча университетлар учун ўкув, илмий-услубий, маънавий-маърифий масалалар юзасидан таъянч ҳамда етакчи олий таълим муассасаси сифатида фаoliyat кўрсатишiga эришиш; жаҳон андозаларига мос фундаментал тадқиқотлар олиб бориш, фаннинг муҳим соҳалари бўйича янги илмий мактабларни шакллантириш ва улар фаолиятининг давомийлигини таъминлаш, ривожланган мамлакатларнинг университетлари билан илм-фан ва олий таълим соҳасида ўзаро тенг манфаатли ҳамкорликни янада кенг йўлга кўйиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддат ичida мазкур Фармонинг бажарилиши юзасидан тегиши қарор қабул килсан.

**Ўзбекистон  
Республикаси  
Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2000 йил 28 январь



## ИШОНЧ ҚАРВОНЛАРИ

### ОГОХЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

Тошкентда пойтахтдаги барча маҳалла оқсоқоллари ва хотин-қизлар кўмиталари-нинг раислари, посбонлари, масжид имомлари, ички ишлар ходимлари, Маънавият ва маърифат маркази шаҳар ва туман бўйимларининг раҳбарлари, “Камолот” жамғармаси вакиллари, ўрта ва маҳсус таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари иштироқида “Огоҳлик - давр талаби” мавзууда йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов очди.

Тадбирда сўзга чиқсан Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси А.Мансуров, Ички ишлар вазири З.Алматов, Республика “Маҳалла” хайрия жамғармаси раиси Ш.Жалилов, Ўзбекистон мусулмонлар идораси раиси, муфтий А.Бахромов, Тошкент шаҳар

бош имом хатиби А.Турсунов, Тошкент шаҳар маҳалла оқсоқоллар кенгаши раисининг ўринbosари М.Фуломов ва бошқалар давлатимиз раҳбари Олий Мажлиснинг яқинда бўлиб ўтган сессиясидағи маърузасида мамлакатимизда тинчлик, осойишталини мустаҳкамлаш масаласи-га яна бир бор алоҳида тўхтадиб ўтганлигини айтдилар. Зотан, эришаётган барча ютуқларимиз ана шу тинчлик ва осойишталик орқали кўлга киритилмоқда. Айни вактда Ўзбекистондек буок давлат вуждуга келаётганини кўролмаётгандар ҳам йўқ эмас. Бунга 1999 йил 16 февралда Тошкентда, 15 ноябрда Янгибодда содир этилган террорчилик ҳаракатлари мисол бўла олади.

Ҳали дунёқарashi тўла шаклланмаган айrim ёшларимиз хориждаги баъзи ди-

ний-экстремистик оқим ва ташкилотларнинг ёлғон тағибот-ташвиқоти таъсирига берилиб, фожеали йўлга кириб қолгани ҳам сир эмас. Йиғилиш қатнашчилири таъкидлаганларидек, бу ҳол барчамизни хушёр ва оғоҳ бўлишга, жойларда, маҳаллаларда, ўкув муассасаларида кенг тушунтириш ишларини кучайтиришга, жамиятимизга ёт бўлган бундай ғаламис гурухлар ҳамда уларнинг гумаштала-рига нисбатан кескин ва муросасиз курашишга чақиради. Бу борада туман ҳокимларни, милиция ва прокуратура ходимлари, маҳалла оқсоқоллари, маҳалла посбонлари, педагоглар, дин вакиллари, барча фуқаролар биргаликда ҳаракат килиши зарур.

(ЎЗА)

# ЁШЛАР ПРЕЗИДЕНТА ИШОНАДИ

Мұхтарам Ислом Абдуғаниевич!

Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" жамғармаси Самарқанд вилояти бўлими Сизни жонахон Республикализнинг Президенти этиб сайланганингиз билан чин юракдан муборакбод этади. Ёшларга бўлган оталарча фамхўрлигингиз бизни ўз фарзандларим деб сийлаб, ҳар томонлама ривожланишимизга шароит яратиб бератганингиз учун биз доим Сиздан миннатдормиз. Сизнинг йўлбошлигингизда бир умр она Ватанимизга хизмат қилишга, керак бўлса жонимизни фидо этишига тайёрмиз!

**А.КАРИМОВ, Самарқанд вилояти "Камолот" жамғармаси бўлими раиси**

Худди шундай мазмундаги шошилинчномаларни "Камолот" жамғармасининг Ургут, Иштихон, Нарпай, Каттакўрон шаҳар бўлиmlари ва Самарқанд Давлат тиббиёт институти хузуридаги жамоатчилик маркази ҳам йўллаган

Хурматли Ислом Абдуғаниевич!

Мен Сизнинг ўзбек номини дунёга ёйиб, мамлакатимизни жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузини ошириш борасида амалга ошираётган ишларингизни мардлик ва жасурлик наунаси деб биламан.

Сизни "Аср инсони" деб тан олинганингизнинг ойнаи жаҳон орқали эшитиб, қувонганимдан кўзларимга ёш келди ва бу ҳақда яқинларим ҳамда дўстларимга қувона-кувона сўзлаб бердим. Мен Сизнинг метинде иродангиз қаршисида бош эгаман.

**Кизингиз Нилюфар КОМИЛОВА, Асака шаҳридаги педагогика билим юрти талабаси**

Хурматли Президентимиз Ислом Каримов!

Биз Сизни адолатли бўлиб ўтган Президент сайловида қайтадан республикамиз йўлбошлиси этиб сайланганинг билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Биз сайловда кўтарикинги билан қатнашдик, албатта, Сизни йўлбошлиликка муносиб кўрдик. Бунга сабаб: юртимиз тинчлиги, ёшларга фамхўрлигингиз ва танлаган сиёсий йўлингизнинг одилона эканлигига деб биламиш.

2000 йилни "Софлом авлод илии" деб ўзлон килганингиз биз ёшларга кўрсатилаётган буюк фамхўрлигингиз намунаси ва бизни қанчалар севишингизнинг яна бир исботидир. Сиз дунё тургунча туринг! Сиз каби фидокор ва адолатли инсонлар кўпаяверсин, деб

**КАРИМОВлар оиласи ва 4 ёшли кенжатой Ислом-жон КАРИМОВ, Фарғона вилояти, Охунбобоев тумани, Ёрмозор маҳалласи**

Хурматли Ислом бобо!

Мен оддий ишчининг қизиман. Сизнинг янги аср бўсағасида Президент қилиб сайланганингиз билан табриклиман! Сизга ва оила аъзоларингизга баҳт саодат, узоқ умр тилайман. Сиз бошлаган мустақиллик туфайли биз ёшларга эътибор кучайди. Бундай замонда

Азиз Юртбошимиз!

Мен Жабборов Дурбек 9 январ — 18 ёшга тўлган куним Сиз севимли Юртбошимиз учун овоз бериш баҳтига мусассар бўлдим. Биз оиласда 8 нафар: тўрт ўғил ва тўрт қизмиз. Отам 1984 йилда вафот этган. Оила аъзоларимиз билан дехқончилик қиласиз. Биз ҳаммамиз Сизни ўз отамиздек кўрамиз. Сиз борки бағримиз бутун.

Ассалому алайкум Бобоҷон!

Биз каби фарзандларингиз ва набираларингизнинг баҳту саодати учун узоқ умр кўришингизни Оллоҳдан сўраймиз.

Менинг ёшим ўн учда, Шахрисабз туманида туғилганиман. Абдулла Қаҳҳор номида-

Сиз халқимизнинг СССР деб номланган жаҳолат оғиздан эсон-омон олиб чиқдингиз. Ўзбек миллатини оламга танитдингиз. Биз ёшлар албатта Сизга ўхшаган фидойи инсон бўлиб етишишга ҳаракат қиласиз. 9 январь куни зўр кувонч билан Сизга овоз бердим! Умрингиз узоқ бўлсин!

**Яраш УСАНОВ, Сурхондарё вилояти, Шўрчи туманидаги А.Сафаров ширкатлар хўжалиги**

Азиз Ислом ака!

Сиз биз каби ёшларга катта ишонч билдиридингиз. Сизга доим содик бўламиз. Чунки сиз халқ ва Ватан хақида ўйладиган инсонисиз!

Сизни Оллоҳ паноҳида асрасин.

**Бекназар ХЎЖАЕВ, Расулбек МАТЕҶУБОВ, Гавҳар МАТЕҶУБОВА, Хоразм вилояти, Хазоррасп тумани**

Ассалому алайкум Ислом Абдуғаниевич!

Самарқандлик бир гурӯҳ ёшлар ўз истеъоддлари, билим ва тажрибаларини синаб кўриш ҳамда мамлакатимизда рўй бератганинг оламшумул ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришларга ҳисса кўшиш мақсадида "Юлдузлар" ёшлар марказига асос солдик. Марказимизнинг мақсади — тенгдошларимиз билан бирга ёшликнинг ҳар бир кунини қизиқарли, мазмунли ўтказиши. Ўз Ватанимиз, устозларимиз, ота-оналаримизга муносиб фарзандлар эканлигимизни ўқишимиз, меҳнатимиз ва фаолиятимиз орқали намоён этишдир.

Хозир сағимизда 165 дан ортиқ турли миллат ва барча соҳаларда фаолият кўрсатаётган ёшлар бор.

Биз Сиз олиб бораётган сиёсатингизни қўллаб-куватлаймиз! Сизга қанот бўламиш.

**Самарқанддаги "Юлдузлар" ёшлар маркази аъзолари**



## БИЗ ПРЕЗИДЕНТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

яшаш ва ўқишдан ортиқ баҳт йўқ.

**Мадина УТЕБОЕВА, Тўрткўл тумани, талаба**

Хурматли алайкум ўртбошимиз!

Сизга бу мактубни чексиз қувонч, одилона сиёсатингиздан миннатдор бўлганимиз туфайли ёзмоқдамиз. Биз Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, Оқбўйра қишлоғига яшаймиз. Икки фарзандимиздан бири гимназияни, иккичиси лицейни аъло баҳолар билан битирган эди. Уларнинг бири Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия универсitetiga, иккичиси Тошкент давлат авиация институтига тест синовларидан юкори балл тўплаб ўқишига кирди.

Биз бу ҳақиқатни эшитиб, юрагимиздан отилиб чиқсан севинч ёшларини яшира олмадик. Бу воқеа қишлоғимизда катта шов-шувуга сабаб бўлди. Илгари биздай оддий қишлоқ ўқитувчisinинг фарзандлари бундай ўқишиларга ўз кути билан кира оларми? Албатта йўқ. Бу сиз туфайли, мустақиллигиниз туфайлидир. Фарзандларимиз тест — бу ҳақиқат эканлигини исботладилар.

**Хомиджон ШОКИРОВлар оиласи**

Баҳтимизга умрингиз узоқ бўлсин!

**Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, "Янгиобод" жамоа хўжалиги**

Азиз ва хурматли Ислом Абдуғаниевич!

Биз ёшлар Сизни ва Сиз олиб бораётган ишларингизни доимо қўллаб-куватлаймиз. Ишончим комилки, Ватанимизнинг тинчлигини, оиласларимизнинг осойиштагигини саклаш йўлида қилаётган тинимсиз меҳнатингизни ҳалқимиз билан унумтайди.

Мен ҳамшира бўлиб ишлайман, 2 нафар фарзандим бор. Бор кучимни, меҳнатимни аямай, болаларим ҳам оналар, ҳам оталик меҳрини бериб ўсдирмоқдаман. Уларни ҳалқига, Сиздек йўлбошлисига соҳик фарзандлар қилиб тарбиялашга ҳаракат қиласиз. Куйида Сизга атаб ёзган шеърларимдан бирини ҳадя этмоқчиман:

Дунё ёриши мисли тонг каби,  
Ёриши олам, мисли ой каби.  
Кўринди, кўринмай қолган бўstonлар,  
Битилди, битилмай қолган достонлар  
Чирогингни асра, ўзбегим...

**Машхура РУСТАМОВА, Наманган шаҳри**


ги 101-ўрта мактабнинг 7-синфида ўқийман. "Тонг юлдизи", "Шахрисабз тонги" газетасида ва "Гулхан" журналида мақолаларим чиқсан. Орзум журналист бўлиб, Сиз азиз бобом билан юзма-юз туриб, интервью олишни орзу қиласан.

**Набирангиз Дилноза САТТОРОВА, Шахрисабз шаҳри**


Хурматли Ислом Каримов!  
Мен узоқ қишлоқда яшасамда, Сизни ҳалқимизнинг келажагини ўйлаб қилаётган ҳар бир ишларингизни кузатиб, курсанд бўлиб юраман.

Худди шундай мазмундаги мактуб Наманган вилоятидан Муҳайё ИСРОИЛОВА, Дилноза КАРИМОВА, Дилшод ХОЛМАТОВ, Маствура МУРОДОВА, Наргиза ТОЖИБОЕВА, Валижон УЛУҒБОЕВ, Жасурбек АСЛНОВ;

Кашқадарё вилоятидан Малоҳат ЭШМУРОДОВА, Дилфуз ТУМАНОВА;  
Сирдарё вилоятидан Гулнора САНГИРОВА, Тошкентдан Максуд КОРЖОВОВ;  
Навоийлик Санобар ЖАББОРОВА;  
Фарғона вилоятидан Гулнора ИСМОИЛОВА, Саодат ШЕРАЛИЕВА, Ахроржон БЕГБОЕВ;  
Андижон вилоятидан Ёқубжон АБДУЛЛАЕВ;  
Самарқанд вилоятидан Жобир МАМАСОЛИЕВ, Гайрат ЎТАЕВ ва бошқа кўплаб ёшлардан ҳам олинди.



**ҚАЧОН КАПТА БҮЛЛАМАН**



Биз шундай савол билан турли билимгохларда таҳсил олаётган ёшларга мурожаат этдик.

#### ҲУЛКАР:

— Рейтинг талаба учун жуда қийин усул. Белгиланган баллни йиголмасак синовдан ўтолмаймиз. Масалан, 50 соатда 100 балл йиғиш

балл қўйишини "илтимос" қиласди. Қарабисзки, ўқиганнинг ўқимаган талаба олдида меҳнати бир тийин бўлади.

#### МИРШОҲИД:

## РЕЙТИНГТА МУНОСАБАТИНГИЗ ҚАНДАЙ?

— Рейтинг

пайтида қайси китобни варақлашимиз эмас, неча марта доскага чиққанимизни ҳисоблаб кун ўтказамиз. Хаёлимда ўзим саводсиз бўлиб қолаётгандекман.

#### МУЗАФФАР:

— Домлаларнинг рейтинг асосида бизни баҳолашига қаршиман. Керакли баллни муддатидан олдин йигиб, қолган дарс соатлари га кирмай юрган талабалар ҳам бор. Ёки яна бир мисол, бир талаба дарсга қатнашмади дейлик. У дарсдан сўнг келади, домладан

бер томондан яхши. Талаба маълум даражада ҳаракат қиласди, балл йиғиш учун ўқиди. Лекин бу усулнинг ҳам йўлини топганлар бор. "Сендан угина, мендан бугина" дегувчилар...

Ёшлар кўтарган бу сўзлар муаммо деб аташга арзирли эмасдир. Нима бўлганда ҳам уларнинг эркин фикрлари, ўз қарашлари борлиги бизни кувонтиради. Рейтингта сизнинг муносабатингиз қандай? Азиз талабалар, сизни кийнаётган муаммолар бўлса, биз билан фикрлашишингиз мумкин. Зоро, келажак бефарқ бўлмаган ёшларга суюнади.

## АГАР ДОМЛА СЎЛГАНИМДА...

#### Дилфузада Пирматова — ТошДПУ талабаси:

— Агар домла бўлганимда, ширинсухан бўлардим. Баъзи домлаларнинг бизга қилаётган муомаласидан жуда ранжийман. Ахир талабани ҳам тушуниш керак-ку? Бизнинг мутахассислигимизга тааллукли бўлмаган фанлардан кийнашади-да, керакли фанлардан яхши дарс беришолмайди.

#### Музаффар Холматов — ўзбек тили ва адабиёти факультети толиби:

— Баъзи домлаларимиз ҳаддан ташқари қаттиқўл. Бироз кечиксак ҳам аудиторияга кирийтмайди. Зарур ишимиз чиқиб қолганини ёки транспортда бирон ҳодиса бўлганиларини эшишини ҳам хоҳламайди. Домла бўлганимда, бу айб учун талабаларимни кечирардим.

#### Миршоҳид Умаров — ТошДПУ толиби:

— Талабалик ийларини кўнгилли ўтиши учун ҳар хил саёҳатлар уюштирадим. Тўгараклар очардим. Қисқаси, талабани ўзимга тортиш, дарсимда ухлаб қолмаслик чораларини кўтардим.

#### Эльнора Ирисметова — ТошДПУ ўзбек-рус гурухи талабаси:

— Домлаларимизнинг маърузалари-



Каримбеков Тажиев

да янгилик йўқдек. Шунинг учунми баъзилар зерикиб кетади. Айрим ҳолларда маърузаларда эски маълумотлар келтирилиши сезиб, таажужубда қоламиз. Домла бўлганимда, (бўлиш ниятим бор) талаба билан ўзимнинг ўртамдаги фарқни олиб ташлардим. У билган нарсани мен билмаслигим мумкин-ку? Лекин қаттиқўлликни кўлдан бермасдим.

#### Дилбар Арапова — ТошДУ талабаси:

— Талабага эркинлик берардим. Буни ўқи, деб мажбурламасдим. Қизқаса, ўша нарсани бошини ёриб киргизсан ҳам олмайди.

#### Хуршид Рўзиев — журналистика факультети толиби:

— Домла бўлсам, баъзи бир устозларга ўхшаб, талаба ва ўзимнинг ўртамда "Хитой девори"ни курмасдим. Уз манфаатимни эмас, талаба ёшлар манфаатини кўзлаб ишлардим. Билим берардим ва талабкалардим.

#### Мирали Боймуродов — ТошДПУ толиби:

— Яхши ўзлаштираётган талабаларни дарслардан ёзод қилиб, ишлашига рұхсат берардим.

Бир талаба ўзбек тили бўйича зўр мутахассис билди ва яйловда ўтлаб юр-ган эшакни кўрсатиб, бу нима, деб

Тинчимаган чоллар уни синамоқчи бўлишибди ва яйловда ўтлаб юр-ган эшакни кўрсатиб, сўрабди

— От.

Талабанинг жавобидан чоллар қотиб-қотиб кулишибди. Лекин талаба ҳақ. Ҳақлигини қандай исботласа бўлади?

## КУЛГУ БЕКАТИ

қишлоғим- г а

қотиб кулишибди. Лекин талаба ҳақ. Ҳақлигини қандай исботласа бўлади?

#### 1 нара

Талабашуносликка кириш:

а) талабанинг боши "кунда" да:

ишикхонча синовлар

екадан олади;

б) ҳамён "терапия".

#### 2 нара

Домлашунослик асослари:

а) домлага ёкмаганлар;

б) лицеини бошқардайтган лицеидор.

#### 3 нара

Тарихшунослик

#### 4 нара

Эркин соат:

Энг сўнгги мимимишлар билан "Туркистон" "дарс" чиларни.

# “УМИД” ЯНГИ ТАНЛОВ АРАФАСИДА

**Бундан бир неча йил мукаддам Президентимизнинг маҳсус Фармони билан иқтидорли ёшларни чет элда таълим олишларини кўллаб-куватлаш “Умид” жамгармаси ташкил этилган эди. Айтиш мумкинки, ушбу жамгарма кўллаб ўзбек йигит-қизлари орзуларини ҳакиқатга айлантириди. Жамгарманинг бутунги кундаги фаолияти тўғрисида жамгарма ижрочи директори вазифасини бажарувчи Ботир Хусанович УБАЙДУЛЛАЕВ билан сұхбатлашыдик.**

— Ботир ака, “Умид”нинг ўтган давр мобайнидаги фаолияти ҳакида нималар дея оласиз?

— Президентимиз ташабуси билан 1997 йилда “Умид” жамгармаси ташкил этилган бўлиб, шу вақт ичидаги танлов ўтказилди. Унда олти мингга яқин талабалар иштирок этди. Хорижда ўқиши истаги бор ана шу йигит ва кизларнинг 650 нафари тест синовларидан муваффакиятли ўтиб, дунёнинг нуфузли олий ўкув юртларида таълим олиш баҳтига мусассар бўлишиди. Улар жаҳоннинг юксак тараққий этган 6 та давлатларида (АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония, Италия) 31 та мутахассислик бўйича ўқишишмоқда. Ҳозирда “Умид” тўртинчи танлов-синовларини бошлади. Бу йил 20 февралгача талабалардан ҳужжатлар қабул қилинади. 21 февралдан шу йилги танлов-синовлар бошланади. Жорий ўкув йилида ёшларимиз таълим олаётган 6 та мамлакатлар ҳисобига Канада давлати, 31 мутахассисликка эса туризм соҳасига оид яна 3 та мутахассислик қўшилди.

1997, 1998 йилларда чет элларга юборилган талабалардан 70 нафара яқини ўқишини муваффакиятли тамомлаб, эндиликда муйян мутахассислик бўйича республика-миздаги вазирик, ташкилот ва корхоналарда хизмат қилишишмоқда.

— Танловларнинг ўзига хослиги нималардан иборат?

— Бу йил жами 300 нафар грант бўлиб, уларнинг 240 таси магистратурага ва 60 таси бакалавриатга ажратилган. Маялумки, магистратура — билим босқичининг юқорироқ даражаси бўлган ўкув шаклидир. Унга маялум бир соҳа бўйича мукам зал илмга эга бўлган

ёшлар қабул қилинади. Колаверса, магистратурада таълим олишга камроқ вақт сарфланади.

— Хорижда билим олиш учун мутахассислар қай тарзда танланади?

— Бугунги кунда бошқа касбларга нисбатан эҳтиёж кўпроқ сезилган, республикамиз тараққиёти учун энг керакли, долзарб саналган йўналишлар бўйича мутахассислар белгиланди.

— “Умид” йўлланмаси асосида хорижда таълим олиб қайтишган ёшлар билан ҳам шуғулласизларми?

— 1998 йилда Президентимизнинг тегишили Фармойишига биноан маҳсус ишчи гуруҳи тузилган. У хорижий университетларни битириб келган йигит-қизларни мутахассислиги, яшаш жойи, илмий дарражасини ҳисобга олиб, республика ташкилот ва корхоналарига ишга тақсимлайди. “Умид” орқали ўқиб ҳозир ишлайдиган ҳар бир йигит-қизнинг меҳнат фаолиятига оид мониторинг ҳар уч ойда олиб борилади. Ундан ташқари чет элдаги ёшларимизнинг ҳам қандай ўқиётгани таҳлил қилиб, кузатиб туриласди. Маълум муддатларда маҳсус ишчи гуруҳи улар билан учрашувлар ўюштиради. Яъни хорижий университетларни тамомлаган ёшларни жамгарманинг ижтимоий фаолиятига жалб этади. Ўзбекистонлик талаба ёшларнинг билимга чанқоқлиги, фанларни ўзлаштириши, одабахлоқи чет эл университетларидаги баобрӯ, энг талабчан, қаттиққўл домлаларнинг мақтоби, эътироғиға сазовор бўлаётганини қувонч билан таъкидлаш жоиздир.

Назокат УСМОНОВА  
сұхбатлашды



## БИРИЧЧИ ВОКЕА

... Нихоят, Олой бозорининг ёнидаги бекатда одамлар катта тўдасини қолдириб, санжоблашган автобуснинг бўш ўриндикларидан бирига ўтиарканман, ҳалитдан бери ҳеч кимга гап ҳам, жой ҳам бермай келаётган иккى ўспириннинг оммавий сұхбатига мен ҳам истамаган ҳолда шерик бўлдим. Эрталабдан кимларнинг майдада чўйда фийбатлари билан бошингни ҳам, кўнглингни ҳам тўлдириб олиш, кун бўйи нокерак ахборотлар юки остида оғирлашиб юришни жуда ёмон кўраман. Аммо налож, йўловчилик — мажбурман. Хуллас...

— Қанчадан бердийлар?

— 500 дан...

— Текин экан-ку. Силаники ўқиш эмас экан-де. Мана бизники мингдан. Фалончадан (қайсирир фанни айтди) иккى мингдан йиғиштириб олди.

— Кўйиб бердими?

— Биттаси бор эди.

Финг-пинг деди.

Бариир



## ЎЙЛАТАДИГАН МИШ-МИШЛАР

кўйиб берасиз, дедим. Кимни обкесанг ҳам мендан оломайсан, деди. Юрдим-юрдим. Охирги зачётда тоғага кирдим. Шундоқ чақириб, олдимда гаплашди. “Хўп-хўп”, деб қўйиб берди. Бариир баҳо кўяркан-сиз-ку, дедим. Энди шундоқ қилиш шартмиди, у-бу деди. Билдингми, танка бўлиши керак, танка!

Биззачаям (танка бор демоқчи)... қўйиб беради-ю, кейин юзга солувради-де... Үндоқ-мундоқ, деб.

Боя танбал талабага қаттиклик қилган домлани маъқуллаб турган бўлсам, кейин унинг ҳолига жаҳлим чиқди. Бироз ачиндим ҳам.

Тушиб кетарканман, ортимга ўтирилиб, уларга яна бир қараб қўйдим. Пўримгина кийинган йигитлар ҳануз ҳеч кимга эътибор бермай, мақтаниша давом этарди...

## ИККИЧЧИ ВОКЕА

Шаҳарда “бойвачча”ларнинг зурриёдлари ўқийдиган ёки бўлажак номдорлар таҳсил оладиган катта олийгоҳ бор. Данғиллама бинонинг кичкина ҳовличаси, ҳовличага кирадиган ундан-да кичик эшикчаси бор. Шударчадан ўтсангиз, чет элга келиб қолганга ўхтайисиз. Яъни моданинг жамики намуналари орасида бироз гангиг қоласиз. Тўп-тўп бўлиб келётган талабаларга беихтиёр йўл берасиз. Бу ҳовличага катта дарвоза нега керак экан деб ўйламанг. Керак экан...

Кўчада қатор турган машиналар ўқитувчиларни эмас, аксарияти талабаларни, эшитиб, ҳа, яхшиям дарвоза бор экан, деб қўйдим. Нега дейсизми?

... Яқинда иккى талабанинг машинаси уришиб кетибди. Бир чети озгина қирилган янгигина “Нексия”нинг соҳибаси кўполлик қилган бошқа “Нексия”нинг эгасига: “Машинамни созлаб бер”, деб дўйқ урибди. Қиз бир ёзувчимизнинг зурриёдлари экан. Аммо йигит ҳам бўш келмабди. Йигит ҳам бир каттанинг ўғли эмиш. Хуллас, иккى эркатойнинг шўхлиги сабаб иккى “бойвачча” савдолашадиган бўлди.

## ХОТИМА

Хуллас, бугуннинг талабаси қандай? Устоз ва талабанинг ўрнини илм даражаси эмас, балки моддий маблағга боғлиқ бўлган баъзи омиллар, салбий ҳолатлар белгилаб қўймаяптимикан? Бу ҳолатга қандай ечим топиш керак? Чунки устоз бу — бугунни эртага етакловчи инсон. Талаба эса эртани яратувчи инсон.

Хуллас, эртамиз кимлар қўлида бўлишини тасаввур қилиш учун бугун айтиш шарт бўлмаган, ёки шарт бўлган баъзи ҳолатларга назар солсак, ёмон бўлмайди. Нима дейсиз?

Зебо МИРЗАЕВА,  
“Туркiston” мухбири

Коракўлга борадиган бўлдик. Тошкент Дорилфунунинг домлалари Озод Шарофуддинов, Баҳодир Гуломов, Абдуғофур Расулов, Бегали Қосимов поездга ўтириб жўнадик. Бир маҳал, тонг палласида праводник купе эшигини тақилатди:

— Жон акалар, -деди ялиниб. — Вагон йўлагида югуриб юрган одам сизларнинг шеригингизми? Айтинглар, бир соатдан бери у ёқдан-бу ёқка чопади. Қийналиб кетди-ку бечора... Устига -устак хотин-ҳалаж ювингани ўтишга қийналяпти.

Норозилик билан тўнгиллаб ўрни миздан туришга мажбур бўлдик.

— Бирон нарсасини ўғирлаб қўйинг, иккичи саҳарлаб ҳаммани безовта қўлмайдиган бўлади, -деди Озод ака.

Баҳодир аканинг яп-янги дўпписи токасида ётган экан. Олиб портфелимга солиб қўйдим. Домла терлаб-пишиб кириб келди.

— Ҳа, дангасалар, турдингларми? -деди илжайиб.

Коракўл станциясида поезд икки минут тўхтар экан. Ҳаммамиз тушиб кетялмизу, Баҳодир ака нуқул ти-мирскиланади. “Нима бўлди”, десак, “дўппим бор эди, тополмаяп-

ман”, дейди.

Озод ака жеркиб берди:

— Қанақа одамсиз ўзи, сизнинг дўлтингиз деб поезд тўхтаб турармиди? Бўлинг тезрок!

Пастга тушишимиз билан

— Ортиқаси йўқ-ку, ўзимники бор. Сизга кичкина келармикин дейман...

— Майли, вақтинчага бўлсаям, - деб домла энди гап бошлиши билан

О з о д ака мени уришиб бер-

ўттиз сўмга “бор барака” қилдик. Пул менга, дўппи Баҳодир акага ўтди.

— Ие, ўзимники шекилли? -домла юпқа қўзойнагини тақиб дўппига узоқ термулиб қолди.

Озод аканинг “жаҳли” чиқиб кетди:

— Беринг, пулини қайтариб беринг! Бир одам ўз ҳаётини хавф остига қолдириб яхшилик қилсаю, бу киши...

— Йўқ, йў-ўқ, -Баҳодир ака дўппини маҳкам чанглаб олди. Бошига кийиб мамнун жилмайди. — Тўғри айтибисиз, сал кичкинароқ экан. Майли, бўлаверади. — Дўппини ечиб яна томоша қилди. — Каранг, сизнини гули ҳам бошқачароқ экан.

Мени ранжиди, деб ўйлади шекилли, кўнглимни кўтарди:

— Хафа бўлманд, укажон, эрталаб йўлакка чиқиб кетаётганимда купе эшиги олдида афти хунукроқ бир одам турганди. Менини ўша ўғирлаган. Тошкентга борсак сизга ўзим яхши дўппи олиб бераман. Раҳмат, укажон!

**Ўткир ҲОШИМОВ,  
Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси**

## ДЎЛТИНГ ЎҒРИСИ

Озод ака жуда жиддий гап бошлади:

— Бу томонларда менингит касали тарқалган дейишади, эҳтиёт бўб юринглар.

— Менингит нимадан бўлади, -сўради Абдуғофур ака “соддалик” билан.

— Нимадан бўларди, шамоллашдан-да!

— Энг кераклиги бошда, -деди Бегали фалсафий оҳангда.

— Менингитга йўлиқкан одам учунда ўлади. -Озод ака қаттиқ тайинлади. — Айниқса бошни эҳтиёт қилинглар!

Баҳодир ака секин ёнимга келди.

— Ўтирижон, -деди, -мабодо биронта ортиқча дўлтингиз йўқми?

— Бош кийимни бирорга бериб бўлмайди. Тем более сафарда юрганда.

Кимдир бояги гапни давом эттириди.

— Уч кунда дейсиз-ку, одам бир кунда ўлиши ҳам мумкин.

— Албатта, ҳар кимнинг организми ҳар хил-да...

Баҳодир ака ялинишга тушди.

— Хўп десангиз дўлтингизни сотиб олардим, укажон.

Оғринган киши бўлиб портфелими очдим.

— Йигирма беш сўмга олувдим, -дедим иккиланиброқ

— Ўттиз сўм! -Озод ака гапни кесди.

— Бу ёқларда дўппи қиммат.

## “СИЗНИ СЕВАМАН... ДИЛМУРОДОВ”

Биз ўн беш нафар қиз эдик. Ўн беш нафар хаёлпаст қиз. Бўлгуси журналист эмасмизми, тил билан кўл бирга ишлайди. Аммо талабалик тарихида биз жим қолган, қўлларимиз ёзишдан тўхтаб, тилимиз тўнг бўлган кунлар ҳам бўлган-ки... ўша хотираларни энди аллақандай энтикиш билан эслар экансан.

Биринчи курсга қабул қилинибмизки, ҳа деганда әркак домлалар дарс ўтаверган. Яна... қариялар. Тўғри, улар тажрибали, мулоҳазали, катта билим эгалари. Аммо биз — ёшмиз. Ҳаёлимиз аудиториянинг чанг босган ойнасидан чиқиб, узок-узокларга кабутар каби парвозд қиласди. У “кабутарлар”ни жойига қўндириш учун ё домланинг танбехи ёйинки сессия ташвишлари керак бўларди. Хулласи қалом, биз ёш, қизил елканли кемада келгувчи шаҳзодага фойибона ошик эдик.

Ва кунларнинг бирида аудитория эшиги очилиб — у кириб келди. Басавлат, чиройли. Энг муҳими — ёш! Кекса... роқ домлалар ичидароса зериккан эканимиз.

“Дилмуродов” дея ўзини таништириди у. ЭХМ домласси. У биз учун компютерлар оламини олиб келди. Биз математикадан қочиб кирган факультетимизда яна аллақандай формула ва масалаларни ечиши қайдан биламиз? Лекин бу муаммолар қизларни зарра қийнамаган. Ахир биз ёспасига маст эдик — янги домламиз ишқида куйишни бошладик. Бошқа

нима ҳам қиласар эдик. Ахир узундан-узоқ дарсларни зерикирмай ўтказиши керак эдиди.

— Қизлар! Биринчи бўлиб уни мен “илинтираман”, дея гап бошлади Ф.

— Хой-хой, нима биз ердан чиккан қўзиқоринмиз-ми, ой чиқса ҳам, кун кулса ҳам сизгами?! У менинг қармоғимга илинади, -дедим мен.

Хулласи қалом, биз ҳаммамиз ёппасига ошик бўлган домлани “бўлиша олмай” қолди.



дик. Дилмуродовнинг дарс соатлари қолдирилмас эди. Қизлар фақат ўша дарсгагина бисотида бор энг замонавий кийимини кийиб келишарди.

— Эштдингларми, домла уйланмаганиш...

Энди ўн беш нафар қиз ўзларини келинлик либосида кўрадиган бўлишиди. Ёнларда ЭХМ кучоқлаган Дилмуродов! Зачёткаларда — фақат 5! Бундан ортиқ баҳт борми? Тасавур килинг, бир аудитория қиз доска олдида турган домладан кўз узмайди.

Шўрлик йигит сўнгги пайт-

лар умуман бизга қарамай кўйди. Йигитларга бўзлаб гапирай деса, уларнинг тиши фичирлайди. Чунки қизлар зимидан домлага ошик бўлганликларини билишарди-да. Домла сўнгги дарсларда хўп қўйналди. Терлаб-пишиб, довдиради. Янги мавзу ўтайдеб, қизларга қараса, бир бурчакдан Ф.нинг, иккинчисидан Н.нинг, олдинги қаторда ўтирган Т. ва Г.ларнинг “оҳ”лари эшитилиб кетарди.

ЭХМ деган дарс эса ўша “оҳ”лар бортида қолиб кетган. Мен ишонч билан айта олиш имкони-ки, курсдош қизлардан биттаси ҳам компьютер ва дастурлаштириш нима, деган саволга жавоб топа олмайдилар. Чунки бу дарс уларга муҳаббат сабоқлари сифатида ўтилган эди. Охири нима бўлди денг — Дилмуродов ўзига шерик топди.

Дарсни таъсирироқ ўтиш мақсадида курсимиз иккига бўлинди. Ўн нафар йигит “кабутар” ўғриси Дилмуродов раҳбарлигига ёппасига, ҳаёлпаст 15 нафар қиз эса...

— Танглай тиши доим тушиб кетаверадиган оплок соч қария домла кўлига тушди...

Аммо ўша сабоқлардан сўнг қизларнинг илҳоми жуда гуллади-да. Шеърлар дейсизми, ҳикоялару газаллар дейсизми, бари ёзиб ташланди. Анчагача оҳ-воҳ қилиб юравердик, курсимизга ҳарбидан қайтган уч нафар йигит келиб кўшилгунча. Аммо бу ҳақда кейин гаплашамиз! Хайр, севгисевар дўстим.

Ошик қизлар номидан ЯШНАР

**Хислат Муҳаммадалиев — ТошДПУ ўзбек тилива адабиёти факультети деканининг ўринбосари, Шарқшунослик институтининг собиқ толиби:**

— Талаба бўлганимда энг аввало ўз олдимга яхши ўқишини мақсад қилгандим. Институтимизда Зикрилло Умаров деган домла бўларди. Нуқул менга, форс тилини яхши ўзлаштирсанг Мисрга юбораман, дерди. Шу сабабли ўз устимда каттиқ ишлаганман. Ўша пайтда хорижга чиқишга, фақат

## ДОМЛА ТАЛАБА БЎЛГАНИДА

тўртингини курсдан кейин руҳсат этиларди. Мен эса (мақтанчоқлик бўлса ҳам айтади) институт тарихида биринчи марта иккичи курсдан Мисрга ўқишига кетганман. Диплом ишларидан, дарслардан озод этилиб, ўзимдан катта курсларга дарс берганман.

Талабалик қизиқ давр экан. Бир домламиз бўларди. Дарсга 15 минут кечи-киб келарди-да: — Ҳали ҳам ўтирибсизлар-ми? дерди. Биз эса қочиш кераклигини билмас эканмиз, кўркувдан-ми ҳаммамиз аудиторияда китоб ўқиб ўтирадик.

**Фоғир Эшмонов — ТошДУ домласси, СамДПУ филология факультети-нинг собиқ толиби:**

— Бир воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди. Она тили дарсда домламиз Равшан ака Холмуродов бизга диктант ёздириётган эди. Курсдош Нодир турдида домладан, меҳмоннинг думи борми, йўқми деб сўради. Домла бўлса, уни ўзидан сўрай-

сан деб бефарқ жавоб берди. Чунки домла Нодирнинг меҳмондаги “х” ҳарфини назарда тутганилиги англамаганди.

**Ёқутхон Маматова — ТошДУ домласси ҳамда журналистика факультетининг собиқ талабаси:**

— Талабалик давримда синов дафтарчасини қалбакилаштириш ҳодисаси бўлганди. Иқтисод Фанидан Майярова деган аёл дарс берганди. Жуда билимли ва талабалар иккича

йиллаб ундан баҳо олишолмасди. Хулласи, гурухимиздаги иккичи қиз Л. ва К. (исмини тўлиқ айтольмайман) Майярованинг синовидан ўтломаган ва охири унинг имзосини ўzlари қўйиб сессиядан ўтиб юраверишган. Шуниси қизиқки, иккичи курсдаги қалбакилаштириш бешинчи курсда очилиб қолган. Қизлар барни имтиҳон топширишга мажбур бўлишиди ва ҳақиқий учни олиб диплом олишган. Бу воқеани ҳалиҳали ҳаммамиз эслаб турмиз. Майяровадек домлалар ҳозир жуда кам. У билим, билим ва яна билимни талабалар.

Талабалар биздан хафа бўлиши масин. Қийнасан ҳаммамизни фойдасига. Вакт ўтади, эртага улар ҳам худди биздек ўз хотираларини кимлар биландир ўртоқлашади. Вактнинг ҳам, ўзининг ҳам қадрига етади. Унда бизга ўхшаб кечикишади...

**З. АШУРОВА**

Зара: Тарихшунослик

Dare

1. Қайсі металлни "паҳлавон мегалл" дейміз? Нима сабабдан?
2. Республика мінда ҳафтанинг күнлери билан номланадиган жойларны айтинг.
3. Дунёдаги әңг чуқур күмір шахасы қаерда жойлашған?
4. Ахолини рўйхатта олиш биринчи марта қайси мамлакатда йўлга кўйилган?
5. Дунёда әңг баланд бино неча қават ва у қайси шаҳарда жойлашған?

## ТОПҚИРГА ТОПШИМОҚ

6. Маккажүхорининг ватани қаер?
7. АҚШда әңг кўп неглар яшайдиган шаҳар қайси?
8. Европадаги әңг кўп миллиати давлат.

"Дарс"нинг ўтган солида эълон қилинган "Топқир талабага топшимоқ" саволларига муҳлислардан кўплаб жавоблар олдиц. Улардан: Кашиқадарё вилояти, Шахрисабз тумани, Ҳ.Олимжон құласыда яшовчи Усмон Мелиев, Намангандык вилояти, Косонсой туманида истикомат құлувич Ислом Ниёзов, Тошкент шаҳар, талабалар шаҳарасынан Фаридал Ҳоликовлар, саволларга тўғри жавоб йўллаган. Жавобларини текширишингиз мумкин.

1. Ер атмосфера билан үралганидан Ердан осмонга қаралса, осмон зангири кўринади. Ойда атмосфера бўлмагани учун, осмон қол-кора кўринади. 2. Швейцария. 3. Исландия. 4. Испания. 5. Япония. 6. Ҳар 4 йилда февраль ойи 29 кунлик келади. Бу кабиса йили деб аталади. 7. Жанубий Америка. 8. Метро 1863 йилда Лондонда, 1868 йилда Нью-Йоркда қурилган. 9. Хинд халқи. 10. Канададаги Виннипег шаҳри. Бу ерда әңг юқори сифатли бўғдойдан нон тайёрлаш тараккij этган.

Викторина саволларига тўлиқ жавоб ёэшиб юборган муҳлисларимизни "Туркестон" газетасининг соваси кутади. Жавоблар 20 февралгача қабул қилинади.

Мурожаат учун телефон: 133-79-69.

### ПАРТАДАГИ БИТИКАЛAR

Қадрли курсдошим Э.хон! Сизга дарс вактида ёзган ўн олтинчи мактубимниң тақдирини ҳам чиқынди кутиси маконида якун топди. Ҳар қалай ёзган хатларимни йиртиб-йиртиб юзимга сочиб юбормаганингизга ҳам шукр қилдим. Э.хон, биласиз, сизни жуда яхши кўраман, лекин менинг умуман менсимайсиз. Нега? Бу мактубни шунинг учун ҳам партага ёздими, партани қоғоз каби парча-парча қилол-

**ОМАРДАР**  
май-  
сиз, ах-  
лат қутисига  
ташломайсиз.

Эртами, кечми, Сиз доим хәйлимдасиз. Кечаси майли-я, дарс пайтида домланинг кўзидан панароқ партада бироз мизгиб олганимда ҳам нуқул Сизни туш кўраман. Менга қараб шивирлаб, шпаргалка узаттаётган бўласиз. Тушлар таъбирини билмайману, аммо бу яхшилик аломати эканини юрак-юракдан хис қилиб турибман. Ягона орзум бир амаллаб қониқарли баҳо олди, стипендияга аранг илиниш.

Э.хон мени тўғри тушунинг, аданинг декан бўлганлари учунгина сизни ёқтириб қолганим йўқ. Сиз табиатан гўзалсиз, кулишингиз ва ҳатто энсангизни ютиришингиз, бурнингизни жиширишингиз ҳам ўзингизга жуда ярашади. Агар мени сизга зиғирча ёқсан, жавоб хатини худди шу партанинг ўнг томонига ёзасиз, деган умидда

ошиғингиз Т. жон,  
Тошду талабаси  
Фотима ҲАСАНОВА  
кўчириб ёзди

## ТАЛАНТЛАРНИ ИЗЛАЙМИЗ

Хеч ким буюк бўлиб туғилмайди. Аммо кимдадир буюклик нишонаси бўлади. Рухида илоҳий нур, шуурида ишқ хотирилари мавжуд. Бу гўзал тасаввурлар бир кун шеър ё кўй бўлиб инсон кўнглидан тўкила бошлиди. Эҳтимол шу тўкилиш истеъод учунларидир. Нур толаларидан юлдуз, томчилардан уммон яралганидек, бир кун улардан буюк шоир ёки машҳур ёзувчилар етишиб чиқар, балки...

Шу эзгу мақсад билан "Туркестон" таҳририяти "Талантларни излаймиз" танловини эълон қиласди. Танлов йил

### ЭРКИН МУСТАФО

1981 йил Қашқадарё вилояти, Муборак туманиндағи Қарлиқ қишлоғида зиёли оиласида дунёга келган. 1997 йил Ф.Хўжаев номидаги 9-урта мактабни туттагтаган.

### СИЗНИНГ ДУНЁНГИЗ...

Ойнинг нурларини ўғирлар само,  
Ойлар тавоф қилар куннинг кучогин.  
Кўкда кезаётган кун телбанамо,  
Ёмғирнинг сувига чайди ўчогин.  
Унда мужассамдир менинг ҳаётим,  
Лекин мен бехабар, бир нотавонман,  
Ёлғиз сўқир каби кетурман беиз.  
Мен ўзимга даҳо, ўзимга кўлман,  
Бу гўзал дунёмга киролмайсиз сиз.  
Йўқ, яна жирканиб кетасиз қайтиб,  
Яна мен қоламан сўнгсизлик ичра.  
Яна мен дилнавоз қўшиғим айтиб,  
Сизнинг дунёнгизга кирмагум сира.

### ИСМСИЗ ЖЕЎР

Нурлар тушиб турган останангиз берк,  
Сизни кўрмоқ учун келаягман яна.  
Нурлар қучиб турган останангиз эрк,  
Ойдинлик остида куляпман яна.

Яна ўтмиш менга тинчлик бермайди,  
Титкилай бошлайман фикрларимни.  
Қайсибир қаландар: — Номи ўчмайди,  
Мен ундан олганман зикрларимни.

Олислик қаътига маҳкам тугаман,  
Олиб қочмасин деб, дайди шамоллар.  
Энг баланд жавонни пастга эгаман,  
Кетиб қолмасин деб ширин хаёллар.

На тақлид, На гумон, На бир фикр бор,  
Титкиланган оҳлар изга қайтади.  
Шамоллар елкамга кўйиб номингни,  
Сенга термулади, шеърлар айтиди.

Фақат ёлғизоёқ сўқмоқлар оша,  
Нурлар тушиб турган уйни соғиндим.  
Нурлар қучиб турган бўйни соғиндим,  
Нурлар учиб турган куйни соғиндим.

Шу боис кўзларим өрни кўрмайди,  
Шу боис зикрлар айтишим керак.  
Номингга муносиб шеърлар топмадим,  
Муносиб фикрлар айтишим керак.

## ҚАНДАЙ ХАСИСЛАР БОР-А!!!

Эр-хотин тўрт боласи билан саёҳатга чиқмоқчи бўлиб машина тўхташиди ва ҳайдовчидан қанчага олиб бориб қўйишни сўраши.

— Иккавингизга 50 минг лира, болаларнинг учун пул олмайман.

— Ундей бўлса, болалар, машинага чиқинглар. Биз ойингиз билан секин айланиб борамиз.

— Нега унга турмушга чиқишни холамаяпсан? — дебди ота қизига.

— Ахир күёвнинг бошида битта ҳам туки йўқ-ку.

— Сартарошга кетадиган пулларни ҳам ҳисобга олгин-да.

Бир киши дўстидан сўрабди:

— Сакзида уйинг бўлганида биттасини менга берармидинг?

— Албатта.

— Дейлик олтида машинанг бўлса-чи?

— Берардим.

— Дўстлик мана шундай бўлади.

Бешта кўйлагинг бўлганида-чи?

— Йўқ.

— Нега энди?

— Чунки бешта кўйлагим бор.

— Бирордадар қимматчиликни қара.

— Нима ҳақида гапирайпсан?

— Бензиннинг нархи жуда ошиб кетибди-да.

— Машинанг борми?

— Қаёқда, зажигалкам бор.

— Хафа кўринасан?

— Тарогимнинг тиши синиб қолди.

— Битта тарогингнинг тиши синиб қолганига шунча сиқилиб ўтирибсанми?

— Тўғри-ку-я, лекин у тарогимнинг охирги тиши эди-да!

Туркчадан Салима  
МУЛЛАБЕКОВА таржимаси

## ЭЪЛОН

Институтимиз ошхонасининг бош ошпази Учарбек Эгриқўловни цирк маъмурияти кўзбойлогочлик штатига ишга тақлиф этяпти. Хурматли талабалар, тезроқ ошпаз амакидан "Йўқдан бор қилиш", "Сервитамин қоқи шарбати", "Дармондорили пиёз сомса" каби антиқа афсунгарлик услубларини ўрганиб олинг. Келажакда асқотиши мумкин.

Ётоқхонамизда "Қизил китоб"га тушмаган жониворлар" номли жонли кўргазма иш бошлади. Унда пашша, суварак, ўргимчак, чигиртка, сичқон, кун сайнинг "йўқоноёблабораётдан зиёд ворларда батафсил мот олишингиз Кўргазма кун бўйи ишлайди. Кириш текин.

Ўқув машғулотларига мунтазам кеч қоладиган, дарсларга ҳар замонда қатнайдиган талабалар учун беш юз саҳифадан иборат "Баҳоналар тўплами" маҳсус энциклопедияси нашрдан чиқди. Унда келтирилган учингдан зиёд турли важ-карсонларни ўзингизга куляй пайтда бемалол кўллашингиз мумкин.

4 нара: Эркин соат

**УЗА**  
**ГААГА. Собиқ Юго-**  
**славия бўйича халқаро**  
**трибунал инсониятга**  
**карши жиноят содир этиш ва хал-**  
**қаро хукук меъёларини бузиша**  
**айбланаётган босниялик Митар**  
**Васильевичнинг хибсга олингани-**  
**д а н**  
**б и л - қоникиш**  
**дирди.**  
**М а в - Дуне Бир**  
**м о т - айтили-**  
**ш и ч а**  
**М. Василь-**  
**евич 1992-1994 йилларда 135 ки-**  
**шининг ўлимига сабаби бўлган.**  
**\* \* \***

ТЭХРОН Эрон хукумати АҚШ билан ўзаро зиддиятларни бартараф этиш учун унинг олдига бир неча шарт кўймокда. Жумладан, АҚШ хукумати ушбу мамлакат билан муносабатларни яхшилаш учун Истроилни қўллаб-кувватлашдан ва Эронга қарши юритаётган сиёсатидан воз кечиши лозим. Бу ҳақда Эрон Олий миллий хавфисизлик кенгаши котиби Хасан Рухоний айтди. АҚШ фаластинлик мусулмонларнинг хукуқларини хурматлаши, бизга таҳдид солишини бас қилиши керак, деди у.

**МОСКВА. Россиянинг Нов-**  
**город вилоятида йўловчи поезд**  
**ҳалокатта учради. Хабарлар-**  
**га қараганди, "Великие Луки -**  
**Санкт-Петербург" йўналиши бўйи-**  
**ча ҳаракатланадётган ушбу поезд**  
**юк поездига урилиши оқибатида**  
**локомотив ва иккιи вагон йўлдан**  
**чиқиб кетган. Натижада поезд хай-**  
**довчиси ҳалок бўлган, унинг**  
**ёрдамчиси эса оғир жароҳатлан-**  
**ган. Иккιи вагондаги 57 кишига**  
**жиддий шиккат етмаган.**  
**\* \* \***

ЛОНДОН. Инглиз черкови руҳонийларга оиласи билан ажрашганларни иккичинча марта никоҳлаш хукукини берди. Ушбу қарор 2001 йилда Муқаддас синод томонидан тасдиқланishi лозим. Бу янгилик нафақат Буюк Британия, балки АҚШ ва Ирландияда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

**ПРАГА. Чехияда авж олган аёз**  
**46 ёшли саёҳатчининг ўлимига**  
**сабаб бўлди. Маълумотларга кўра,**  
**у сайд қилгани чиқиб йўлдан адаш-**  
**ган. Бироз исиниб олиш ниятида**  
**ичкилик ичган ва ухлаб қолган,**  
**натижада кор тагида қолиб кетган.**  
**Унинг жасади полиция томонидан**  
**топилган.**  
**\* \* \***

СЯНГАН. Малайзия бош вазири-нинг собиқ ўринбосари Анвар Ибронҳим устидан кўзғатилган жинойиши, қаттиқ огоҳлантиришларга қарамай унинг тарафдорлари томонидан норозилик намойишлари ўтказилишига сабаб бўлмоқда. Хозирча ўн бир киши полиция маҳкамасига келтирилди. Намойишлар тобора кенг тус олмоқда.

**МОСКВА. БОШ КОТИБИ**  
**Кофи Аннан иккιи кунлик расмий**  
**ташири билан Москвага келди.**  
**Ташриф доирасида у Россия пре-**

## БЎРОННИНГ ТИНИШИ БОР

Сўнгги бир неча йил ичидага жаҳон иқтисодиётидага катта ўзгаришлар юз берди. Жумладан, Жануби-шарқий Осиё мамлакатларини ларзага соглан молиявий инқизор глобал иқтисодиётининг юксалишига салбий таъсир қилди. Шундай қийин ҳолат юзага келганига қарамай, кудратли АҚШ иқтисодиёти нафасат бу зарбага бардош берди, балки ҳайратланарли даражада ривожланди ҳам. Айни пайтда бу жараён давом этмоқда. АҚШда инфляция даражаси пастлигича қолаётir. Ишсизлик эса кескин камайди.

Бугун АҚШ фонд бозоридаги ҳолатни авжига чиқаётган бўронга қиёслаш мум-

ларга шахсан гувоҳ бўлган. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, унинг тушкун кайфиятини тушуниш мумкин.

Олимнинг айтишича, ҳар қандай иқтисодий гуркирашнинг давоми, албатта, таназзул экани капитализмнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Бирок айни пайтда кўплаб иқтисодичлар бу жиҳатга эътибор қаратадигани йўқ. Улар бугунги гуркирашга маҳлий.

АҚШ иқтисодиётидаги бўғунги вазият мамлакатда 1921-1929 йилларда юз берган молиявий юксалиши эслатади, дейди Ж.Ҳәлбрейт. Бу жараён ҳам АҚШ учун ачинарли бўлган улкан

таназзуз билан якун топган



кин. Бу ерда йирик компания ва фирмаларнинг қимматбаҳо қоғозлари баҳоси тобора ўсиб бораётпти. Натижада улар мисли кўрилмаган даражада бойиб бормоқда. Бир жиҳатга эътибор қаратмок жоиз. Осиёнинг, қисман Европанинг бир қанча компаниялари банкротга учраб, сочувга кўйилаётган бир пайтда АҚШ компаниялари уларга асосий харидор бўлаётir.

АҚШ иқтисодиётидаги мазкур ҳолат кўплаб мутахассисларни боши беркўчага киритиб қўйди. Улар бу вазиятни баҳолашу изоҳлашга иккисидан турибди. Иқтисодичларнинг кўпчилиги бу ривожланиши бир кун келиб ортга кетишига ишончираламият. Чунки инсоннинг табиити шунаقا. Муваффақият орқасида омадсизлик ҳам бўлишини токи унга дуч келмагунча тан олгиси келмайди. Шу жиҳатдан олиб қараганда, АҚШ иқтисодиётидаги бўғунги гуркираш куни келиб оқсай бошлашини баҳорат қилмоқда. Юксалиш қанчалик узоқ давом эта, инқизор кўлами ҳам шунчалик катта бўлади. Сармоядорлар қимматбаҳо қоғозлар сотиги олиш учун мисли кўрилмаган миқдорда маблағ сарфлашни дарҳол тўхтатиб қўяди ва бу фонд бозорида ўпирилишни келтириб чиқаради.

Олимнинг таъкидлашича, АҚШ фонд бозоридаги бўғунги ҳолат тобора шишиб бораётган пуфакни эслатади. Мамлакатнинг баъзи иқтисодичлари мана шу алдамчи кўрсаткичларга таяниб, турли ижобий хуласалар ясамоқда. Бирок уларнинг бу хуласасидан келиб чиқиб, мавжуд юксалиш доимий давомийликка эга, деб ишонавериш ярамайди. Зоро, бўрон қанчалик кучли бўлмасин, куни келиб тинади.

**Анвар КАРИМОВ,**  
**ЎЗА шархловчиси**

эд и .  
 Ўшанда бозорда якка сармоядорларнинг қимматбаҳо қоғозлари қиймати кескин кўтарилиб кетганди. Бугунги кунда ҳам уларнинг ошиғи олчи бўлмоқда. Якка сармоядорлар фонд биржасига шу даражада йирик миқдорда маблағ дилерлар ҳам уларни тўлиқ бошқаришга ожизлик қилияти.

Гарвард университетининг профессори ўз тажрибасига таяниб, ушбу гуркираш орқасидан таназзул келишини баҳорат қилмоқда. Юксалиш қанчалик узоқ давом эта, инқизор кўлами ҳам шунчалик катта бўлади. Сармоядорлар қимматбаҳо қоғозлар сотиги олиш учун мисли кўрилмаган миқдорда маблағ сарфлашни дарҳол тўхтатиб қўяди ва бу фонд бозорида ўпирилишни келтириб чиқаради.

Олимнинг таъкидлашича, АҚШ фонд бозоридаги бўғунги ҳолат тобора шишиб бораётган пуфакни эслатади. Мамлакатнинг баъзи иқтисодичлари мана шу алдамчи кўрсаткичларга таяниб, турли ижобий хуласалар ясамоқда. Бирок уларнинг бу хуласасидан келиб чиқиб, мавжуд юксалиш доимий давомийликка эга, деб ишонавериш ярамайди. Зоро, бўрон қанчалик кучли бўлмасин, куни келиб тинади.

**зииденти вазифасини**  
**бажарувчи Владимир**  
**Путин, ташки ишлар ва-**  
**зири Игор Иванов, фавқулодда**  
**холатлар вазири Сергей Шойгу, та-**  
**шки разведка хизмати директори**  
**Вячеслав Трубников билан музока-**  
**ралар ўтказади. Хабарларга кўра,**  
**музокараларда Чеченистондаги**  
**можароларни бартараф этиши, Аб-**  
**хазия, Тоғли Қаробоғ ва Тожики-**  
**стондаги вазият хусусида фикр ал-**  
**машилади.**  
 \* \* \*

КИЕВ. НАТО бош котиби Жорж Робертсон иккى кунлик расмий ташриф билан Украина келди. Таширифнинг биринчи куни у Украина президенти Леонид Кучма, бош вазир Виктор Ющенко билан учрашиди. Учрашивулар чоғида Украина ва НАТО ўртасидаги алоқалар муҳокама этилди.  
 28 январ куни Ж.Робертсон Одесага ташриф буюрди.

**МЕХИКО. Мексика кирғоз**  
**қўриқчилари мамлакатнинг балиқ**  
**овладидиган "Валерия" кемасини**  
**текширувдан ўтказиши чоғида 5,5**  
**тоннага коканини мусодара қилди.**  
**Шунингдек, кемадаги бу нафар**  
**киши хибсга олинди. Айни пайтда**  
**ушбу жинойиши ўтидан тер-**  
**гов олиб борилмоқда.**  
 \* \* \*

МОСКВА. Хабарларга қараганда, Шимолий Кавказда террорчиларга қарши ўтказилган операциялар мобайнода 10 минг яқин жангари йўқ қилинган. Россия куролли кучлари бош штаби бошлигининг биринчи ўринбосари Валерий Манилов журналистлар билан учрашувда шуни маълум қилди.

Унинг айтишича, ушбу ҳарбий ҳаркатлар бошланмасдан аввал Чеченистонда таҳминан 22-25 минг жангари йўлган. Догистонни озод этиши чоғида 2 мингдан зиёд жанглар кириб ташланган. Шунингдек, Грозний ва Чеченистон жанубидаги жанглар пайдида Россия ҳарбийлари томонидан 4 минг жангари йўқ қилинган.


**КОХИРА. Келаси ҳафтада**  
**Москвада Яқин Шарқ масаласи**  
**бўйича ўтказиладиган кўп томон-**  
**лама музокараларда Миср хукумати**  
**ҳам иштирок этади. Миср Араб**  
**Республикаси президенти Ҳусний**  
**Муборак шундай деб баёнот бер-**  
**ди.**

**Президентнинг таъкидлашича,**  
**бўлажак учрашувда Яқин Шарқни**  
**ядро куролидан ҳоли зонага ай-**  
**лантириш ма-**  
**саласига**  
**жиддий**  
**эътибор**  
**қарати-**  
**лиши**  
**лозим.**  
**Дуне Бир**  
**шумаси**  
**Сўнгги**  
**расмий**  
**коҳира Истроилнинг ядрорий арс-**  
**наллари масаласи юзасидан бир**  
**нечча марта ташвиш билдириб кел-**  
**моқда.**  
**Бирок, шунга қарамай, Истроил**  
**хукумати ядрорий куроллар-**  
**ни тарқатмаслиг тўғрисидаги Шар-**  
**тномани ҳалигача имзолагани йўқ.**

**ЧАЙНОВАРД**  
**БЎЙИГА:** 1. Жамиятнинг ижтимоий ва маънавий-маърифий ҳаёти мажмуми. 2. Ўзбекистондаги шаҳар. 3. Бир давр кишиларининг насли. 4. Бирор иш, мақсадни амалга ошириш имконияти. 5. Афсонавий илон. 6. Сиҳатгоҳ. 8. Улуғ мутафаккир, олим, табиб. 9. Пиримқул Қодировнинг асари. 13. Бет-кўл ювиш учун ишлатиладиган идиш. 20. Ўз рефератини ўқиб бераётган киши. 22. Бўёқ модда. 24. Овқатга солиш учун ишлатиладиган кўкат ва сабзавот. 27. Интилиш. 28. Бирор нарсани кичрайтириб ишланган нусхаси.

**ЭНИГА:** 7. Алишер Навоий асари. 10. Сув йўли, ариқ. 11. Монголиядаги дарё. 12. Ҳинд аёлларининг кийими. 14. Чехословакиянинг пул бирлиги. 15. Янги йил байрамининг қаҳрамони. 16. Йўл ҳақи. 17. Концерт берилишидан олдин тарқатиладиган ўзлон. 18. Муайян ишни бажариш учун хизмат қиладиган мослама. 19. Бирор фикрни ифодаловчи сўзлар бирикмаси. 21. Қамария йил ҳисобида ёттинчи ойнинг арабча номи. 23. Бахт ёр бўлган, бахти. 25. Пайғамбар. 26. Исковуч итларга бериладиган бўйрук. 29. Кончи шаҳар. 30. Тропик ўсимлик. 31. Тинч океанинг жануби-гарбидаги архипелаг.

Тузувчи: Соадат ОРИФЖОНОВА



## ЖУМБОҚ-НИ ТОПА ОЛДИНГИЗМИ?

Газетанинг 26 январь сонида ўзлон қилинган бошқотирма жавоблари

**ЭНИГА:** 1. Юкатан. 4. Тавозе. 10. Ангишвона. 11. Назм. 12. Хумс. 13. Оқин. 15. Бўёқ. 16. Ойдин. 19. Орасто. 20. Калила. 24. "Кўкан". 26. Файб. 27. Мина. 29. Шира. 31. Жанг. 32. Новгарзон. 33. Исириқ. 34. Ананас.

**БЎЙИГА:** 2. Атаман. 3. Арго. 5. Алоқа. 6. Ойдин. 7. Ҳаннот. 8. Иштиёқ. 9. Касана. 14. Идрок. 15. Боту. 17. "Далли". 18. Маоб. 21. Акашак. 22. Кавқаб. 23. Паргар. 25. "Афанди". 27. Мажнун. 28. Човли. 30. Аzon.

## Ренанинг медали

Хиндистоннинг Удайпур шаҳрида аёллар ўртасида ўтказилган шахмат бўйича саккизинчи Осиё чемпионати ўз ниҳоясига етди. Унда 12 мамлакатдан 20 спортчи қатнашди. Ўзбекистон шарафини халқаро тоифадаги гроссмейстер Рена Мамедова химоя қилди.

Мусобақа 11 турдан иборат Швейцария тизими бўйича ўтказилди. Турнирнинг мураккаб мусобақаларида Рена Мамедова кўлга киритиш мумкин бўлган 11 баллдан 7,5 балл тўплашга эришиди. Натижада у учинчи ўринни эгаллаб, бронза медал совриндори бўлди

(ЎзА)

## ИККИ БОШЛИ ВА БАЛИҚСИМОН БОЛАЛАР

Перунинг Кахамарка шаҳрида гаройиб бола дунёга келди, у икки бошли. Унинг ота-онаси Эваристо Хиль ва Ирис Линарес ўша куни ёқ қақалоқни табиға олиб боришиди. У эса боланинг иккинчи бошини кесиб ташлади. Ҳозир гўдак яхши ўсятига.

Лъяман деган жойда туғилган Эдвин исмли бола ҳам катта шов-шувга сабаб бўлди. "Лас-Мерседес" деб аталувчи қалоқхона шифокорлари гўдакка тумга ихтиоз деган ташҳис қўйишиди. Саккиз ойлигига дунёга келишга шошилган болакайнинг лабсиз оғзи, тангачалар билан қолланган бадани, бурни ўрнидаги иккита тешикча уни айнича балиқларга ўхшатарди. Қақалоқнинг кўли ва сўёллари беўзушов шакла. Эдвин деб ном қўйилган болакайнинг ўпкаси ва юраги яхши ишлайди, эркакнига ўхшаш жинсий аъзоси ҳам бор. Унинг баданидаги тангачалар тўкилган, қизиши териси остидаги ички аъзолари кўришиб қолди. Болани сут билан эмизмоқни бўлишган эди, аммо у эммади. Медиклар фикрича, Эдвиннинг ичақлари, овқат ҳазм қилиш органлари яхши ривожланмаган. Шунинг учун унга таомни сунъий ичаклар ёрдамида елиришга ҳаракат қилишиди.

Эдвиннинг уч нафар соглом ақалари бор. Ота-онасининг айтишича, бир неча йиллар бурун ҳам бу оиласда балиқа ўхшаб кетадиган қақалоқ дунёга келган, бироқ бир неча соатдан сунъи вафот этган. Улар бу воқеани деч кимга билдириш антиқа қақалоқни кўмиб қўйишиган экан.

Шифокорларнинг айтишича, Эдвин Перуда дунёга келган учинчи балиқ боладир. Одатда бундай қақалоқлар туғилгача, уч-тўрт соатдан сўнг ўлган. Эдвин эса бу ёргу дунёда тўққиз кун яшади.

Лъяман шаҳри аҳолиси Эдвиннинг отаси шайтонлар билан бирга бўлган, шу боис бундай галати гўдак тукқан, деб муррак жасадни қарбистонга кўмишга қаршилик кўрсатишиди. Гаройи боланинг туғилганини баъзи одамлар бошқа сайдераликларнинг қўлмиши бўлса керак, деб ҳисобламоқдалар.

## СЕВГИ ИЗХОР ЭТИШНИНГ ОСОН ЙУЛИ

Исландиялик Хаукур Магнуссон исмли югит севган қизига дил изҳорини билдириш учун антиқа йўл топди. У мамлакат телевидениесига бориб, 900 доллар тўлаб, реклама кўрсатувининг маълум вақтини сотиб олди. Кечки пайт телезэкран орқали севган қизига мурожаёт этиб, уни жонидан ортиқ севишини, агарда рози бўлса, эртагаёт ўйланишга тайёр эканлигини билдири.

Суюкли югитининг сўзларини ойнаи жаҳон орқали эшитган қиз шу заҳотиёқ унга турмушга чиқишига рози эканлигини айтди.


## ЮПДУЗЛАР САМОДАН СЎЗЛАЙДИ

(31 ЯНВАРДАК  
6 ФЕВРАЛГАЧА)

**ҲАМАЛ.** Душанбада ишлар о'кей. Сешанба куни яқинлар билан дийдорлашасиз. Чоршанбадан янгилик кутинг. Пайшанба куни соғлик ҳақида қайғуришга тўғри келади. Жумада бойибисиз. Шанба кўнгилдагидек ўтади. Молиявий аҳволингизни якшанбада яхшилайсиз.

**САВР.** Ҳафта бошида чўнтағингиз қаппаяди. Сешанба куни қувонасиз. Чоршанбада соғлиғингизга эътибор беринг. Пайшанба ва жума кунлари сирли учрашув. Шанбада сизни сўроқлашади. Якшанбани ўзингизга багишиланг.

**ЖАВЗО.** Мухим хабарлардан сизни душанба воказиф этади. Сешанба куни бойибисиз. Чоршанбада қувончли дақиқалар.



Сураткаш: А. ҲАМИЛОВ

Пайшанба куни зиддиятлардан нари юринг. Жумада яқинингизни кутинг. Шанба куни гриппдан сақланинг. Якшанбада самарали ижод қиласиз.

**САРАТОН.** Ҳамкорлар билан учрашувни душанбага қолдиринг. Сешанба куни сизни сўроқлашади. Чоршанба ва пайшанба кунлари ишингиз бароридан келади. Жумада саломатлигингизга эътибор қаратинг. Шанбани кўнглингизга яқин одам билан бирга ўтказасиз. Якшанбада яхши дам олинг.

**АСАД.** Ҳафта сирли учрашувлар билан бошланади. Сешанба куни асабийлашманг. Чоршанбада омадингиз келади. Пайшанба куни узокдан кўнғироқ кутинг. Жума хайрли кун. Якшанбадаги хариддан оила аъзоларингизнинг ҳам кўнгли тўлади.

**СУНБУЛА.** Душанба куни тақдирланасиз. Сешанбада сизни йўқлаб келишиади. Чоршанба куни ишингизда мудаффақиятларга эришасиз. Пайшанбада ҳамкорлар билан янги битимлар имзолайсиз. Жума куни соғлиқни эҳтиётланг. Дам олиш учун қуай кун — шанба. Якшанбада бозорингиз бароридан келади.

**МЕЗОН.** Ҳафта бошида мухим ишларни телефонда ҳал қиласиз. Сешанбада сирли учрашув. Чоршанба куни қувонасиз. Пайшанбада зиддиятлардан нари юринг. Жумада асабларингиз чарчагани сезилади. Шанба куни соғлик-кайфиятингиз яхши змас. Якшанбада яқинингизни кутинг.

**АКРАБ.** Душанба куни сизни сўроқлашади. Сешанбада қувонасиз. Чоршанба молиявий аҳволингизни яхшилайди. Пайшанбадан янгилик кутинг. Жума куни кўпдан кутаётган кишингиз билан ҳамсугуб бўласиз. Якшанбада соғлиғингизни авайланг.

**КАВС.** Сешанба куни зиддиятлардан нари юринг. Чоршанбада қувонасиз. Пайшанбадаги хариддан кўнглингиз тўлади. Жума сизни кўнгилли учрашувга таклиф этади. Шанба ва якшанбада кунлари мириқиб хордиқ қиқариш имконига эгасиз.

**ЖАДИ.** Ҳафта сирли учрашувлар билан бошланади. Сешанбада саломатлигингизга эътибор қаратинг. Чоршанба куни мухим ишларга кўл урманг. Пайшанбада сизни сўроқлашади. Жума ва шанба кунлари ишлар о'кей. Якшанбада яхши дам олинг.

**ДАЛВ.** Умуман ҳафта хайрли бошланади. Сешанбада ҳамкорлар билан янги битимлар имзолайсиз. Чоршанба ва пайшанба кунлари ишларингиз о'кей. Жумада сизни сўроқлашади. Шанба куни асабни асранг, акс ҳолда якшанбада кўрпа-тўшак қилиб ётишингизга тўғри келади.

**ХУТ.** Душанба омадли кун. Сешанба куни зиддиятлардан нари юринг. Чоршанба янгиликдан хабардор этади. Ишбилиармонлар мухим тадбирларингизни пайшанбага қолдириганинг маъкул. Чўнтақ учун баракали кун — жума. Шанбада соғлиғингиз безовта қилади. Якшанба куни сирли учрашув.

## ЖАҲОН ЁШЛАРИ КУРАШ ТУШАЁТИР

Ўзбекистон кураши нафақат мамлакатимиз ийтгит ва қизларининг соғлом бўлиб этишишида, балки дунё ёшларининг ҳам соғлом ва баркамол бўлишида мухим аҳамият касб этиши аниқ. Чунончи, шу йилнинг 6-7 май кунлари Россиянинг Тверь шаҳрида кураш бўйича ёшлар ўртасида жаҳон биринчилигининг илк бора ўтказилиши режалаштирилгани ҳам шундан дарак бермоқда.

Дарҳақиқат, бу каби нуфузли мусобақалар курашимиз обрўсини жаҳон майдонида ортиб бориши ҳамда дунё ёшлари ўртасида ҳам истеъодли курашчиларни тарбиялаб вояга етказиша катта ўрин тутади. Мазкур беллашувда 1984-86 йилларда туғилган курашчи ўсмирилар тўрт вазн бўйича, қизлар эса 52 ва 57 килограмм вазн тоифаларида гиламга чиқиб, голиблик учун баҳс юритади.

## КИКБОКСИНГ РИВОЖИ УЧУН

Пойтахтимиздаги "Янгиобод" спорт мажмуида 28-30 январь кунлари кикбоксинг бўйича болалар ва ўсмирилар ўртасида "Софлом авлод" соврини учун республика очиқ турнири ўтказилади.

Унда мамлакатимиз вилоят ва шаҳарларидаги кикбоксинг клубларининг 1985-88 йилларда туғилган ёш спортчилари билан бир қаторда Марказий Осиё-давлатларидан келган ёшлар ҳам 10 вазн тоифасида голиблик учун беллашади.

— Ушбу мусобақадан кўзланган мақсад, ўсиб келётган ёшларимиз ўртасида бошқа спорт турлари каби кикбоксингларнинг ҳам оммавийлигини тарбиғ қилиш ҳамда уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдан иборат, — деди кўл жангни бўйича "Динамо" спорт клуби боши мурраббийси Адҳам Рашидов "Туркистон-пресс" мухбирига. — Бу каби мусобақалар нақирион авлод ўртасида келгусида ўтказилаж нуфузли халқаро турниларда юртимиз шаҳарини муносиб ҳимоя қиласиган кучли кикбоксингчиларни тайёрлашда мухим аҳамият касб этади.

“Туркистон-пресс”

## ДИЙДОР

Дунёда она меҳрини туйишдан ҳам юксакроқ туйғи бўлмаса керак. Айнича ота-онанинг илиқ бағридан чиқиб, она Ватан хизматига шайланган ёшлар бундай туйғуни илк бора юрак-юракдан ҳис қила бошлайди. Улар учун ота-она дийдори сув ва ҳаводан-да азизорқ туюлади. "Мусоғир бўлмагунча мусулмон бўлмайсан", деган нақл ҳам шундан келиб чиқсан бўлса ажабмас.

"Камолот" жамғармасининг Тошкент вилояти Бўка туман бўлими ҳамда туман ҳокимлиги ҳамкорлигига хайрли ишга кўл урди. 45 кишидан иборат ота-оналар гуруҳи узоқ Сурхон воҳасида йигитлик бурчни ўтэйтган фарзандлари билан дийдорлашиди. Сурхондара вилоятининг ҳарбий қисмларида хизмат қилаётган йигитлар бундай кутилмаган учрашувдан бошлари осмонга етди. Дийдорлашув сўнгидиа ҳарбий хизматчиларга "Камолот" жамғармасининг эсдаликовлари улашилди.

— Учрашув ўтказишдан мақсад, ёшларимизни ота-она ва Ватан олдиаги йигитлик бурчларини чукурроқ ҳис қиласига ҳамда улар учун сидқидилдан хизмат қиласига ундаштир — дейди "Камолот" жамғармаси Бўка тумани бўлими раиси Дониёр Содиков. Ҳар бир аскар назаримда биз билан кўришиб ўз яқинлари даврасида ўтиргандек. Яна ташрифларимиз давом этади.

А. МАГДИЕВ

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ  
«КАМОПОТ» ЖАМҒАРМАСИБош мұхаррир  
Абдуқодир НИЁЗОВ  
Навбатчи мұхаррир  
Низомжон ОТАМУРОДОВ

Таҳририят:

Бош мұхаррир — 133-89-61  
Қабулхона — 136-59-38  
Хатлар бўлими — 133-79-69

Манзилимиз:

700083 Тошкент Матбуотчилар кучаси, 32-йч  
Таҳририятта юборилган материаллар қайтарилмайди.  
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан  
фарқланиши мумкин.